RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 2000 йил, 9 май | 8 (225)- сон


# ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ МАНГУ!

## АЖДОДЛАР РУҲИНИ ШОДЛАНТИРИБ...

Гулларга бурканган файзу шукуҳли Андижонда «АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА СОҒЛОМ АВЛОД ТАРБИЯСИ» деган мавзуда эркин маърифий-бадиий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга вилоят ҳокимлиги ва Бобур номидаги халқаро жамғарма бош-қош бўлди.

Анжумандан кўзланган мақсад — Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов ташаббуси ҳамда раҳбарлигида яратилган Соғлом авлод дастурининг ғояларини жамоатчилик ўртасида тарғиб-ташвиқ этиш, комил инсон тарбияси ҳақида аждодларимиз қолдирган бебаҳо меросни кенг оммалаштиришдан иборат.

Эрталаб наҳор чоғида қушларнинг айни ҳаёт завқига тўла хонишлари авжга минганда Андижон шаҳрининг кўзга кўринган зиёлилари, жамиятларнинг фаоллари, кўпни кўрган, эл-юрт равнақига дуогўй отахонлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар Бобур номидаги гўзал миллий истироҳат боғига йиғилдилар. Анжуманда атоқли адиб Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг раиси Иброҳим Ғафуров, атоқли санъаткор М. Абдуқундузов, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Наим Каримов, тарихчи олим Сайфиддин Жалилов, таниқли ҳофиз Маҳмуд Тожибоев, Андижон элида муҳтарам Пўлатхон Қаюмов, шоир Қамчибек Кенжаларнинг Президент ғоялари, халқни халқ қилган юксак ҳаётий қадриятлар, соғлом авлод бешиги бўлган ўлмас урф-одатлар, юрт муҳаббати тўғрисидаги сўзлари катта таассурот қолдирди.

Анжуманнинг жонкуяри, Бобур номидаги халқаро жамғарманинг президенти, Олий Мажлис депутати, Миллий тикланиш демократик партиясининг етакчиларидан бири Зокиржон Машрабов қатнашчиларнинг олқиш ва дуолари остида ҳожатмандларга саккизта замонавий коляска топширди.

## БИЗ КУТГАН ДАМЛАР

Шу кунларда қувончимнинг чеки йўқ. Мен қувонмай ким қувонсин, ахир. Неча-неча йиллар... Йигирма йиллар... Олтмиш йил давомида бедарак кетган отаси изини топишга муяссар бўлган фарзанд бахтини тасаввур қилинг.... Ўзини эмас, дарагини топганимга шунчалар қувонсам... Ахир мавҳумликдан ҳам оғир туйғу бормикан оламда...

Ҳужжатлардан маълум бўлишича, отам муаллим, журналист, дипломат Саид Аҳрорий 1931 йилнинг 21 июлида 15 нафар Миллий истиқлолчи қаторида Москва шаҳрида отувга ҳукм қилинган ва отиб юборилган эканлар.

Отам ҳақида «Бедарак йўқолган» деган очерк ёзиб, унда ҳамюртларимга:

«Истиқлол йўлида шаҳид кетганларнинг ҳали ҳисобига етганимиз йўқ. Шу қурбонлар ёдини келажак авлод қалбида сақлаб қолмоқ учун ҳур республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрида истиқлол йўлида курашиб шаҳид кетганларга ёдгорлик барпо этмоқ зарур. Токи элимизнинг етти ёшдан етмиш ёшигача бу кураш тарихини билсин. Истиқлолнинг тотли нашъаси қадрига тушуниб етсин...» — деб таклифимни билдирган эдим.

Бу бир ният — орзу эди холос.

Лекин бунчалар тез ва бунчалар кўркам ҳамда маҳобатли обида бунёд этилишини тасаввур этолмасдим. Зеро, эндигина мустақилликни қўлга киритган республикамизнинг қилар ишлари кўлами шу даражада беқиёс эдики, ёдгорлик масалаларига ҳали-бери гал келишини хаёлимга келтиролмас, бунга ҳали бирмунча вақт бор, деб ўйлардим.

Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Ватанимиз озодлиги ва истиқлоли учун курашларда жон фидо этган, миллатни ҳуррият ва эркинликка чорлаган — шўро тузуми даврида қатағон қурбонлари бўлган минглаб фидойи инсонлар, шаҳид зиёлилар хотирасини абадийлаштириш борасидаги 1999 йил 12 май Фармойиши республикамизда шундай савоб ишнинг бошланишига йўл очди. Шу фармойишга кўра таъсис этилган жамоатчилик комиссияси ишга киришди, Бўзсув ёқасида эса қурилажак «Шаҳидлар ёди» мажмуасининг қатор лойиҳаларини ишлаб чиқиб, ўрганиб, улардан энг муносиби танлаб олиниб, қурилиш бошлаб юборилди. Бу хушхабар неча минглаб шаҳид кетганлар оила аъзолари кўнглидаги ғуборларни ювгани, дарду-аламларига малҳам бўгани шубҳасиз.

Уни бунёд этиш, бутун халқ-миннатдор авлод шаҳид кетган аждодлар ёдини абадийлаштиришда меҳр билан, фидокорона меҳнат қилди. Соҳилдаги қатлгоҳда неча-неча зиёлиларимиз мустамлакачилар ўқига учраган — бўзлаб оққан Бўзсув ўзани мармар билан қопланиб, янгича бир ҳусн касб этди. Ўн етти гектар майдонда жойлашган «Шаҳидлар ёди» хотира мажмуаси неча-неча куйган қалбларга малҳам, минглаб ватандошларимизнинг чирқиллаган руҳи таскин топадиган бир ёруғ маскан, хушманзара ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади. Шуларни кўрганимда бузрукворим — истиқлол одами Саид Аҳрорийнинг қуйидаги сатрлари ёдимга тушади:

**Элга қутлуғ бўлсин**
**шодлик дамлари,**
**Артилсин кўзлардан**
**ҳасрат намлари.**
**Кутган кунлар келди —**
**яйраш чоғидир**
**Тансиқ кунлар келди —**
**яйраш чоғидир.**

Неча-неча йиллар мобайнида соғиниб-соғиниб, энтикиб-энтикиб, интиқ кутганимиз тансиқ кунлар келди, озодлигимиз абадий бўлсин, бахтимизни асрабавайлайлик, огоҳ бўлайлик, дейман қувониб.

**Холида АҲРОРОВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**





**Шаршаралар тинчиганга ўхшайди,**
**Бўз сув атрофида сукунат чўкиб;**
**Чирқираган руҳлар осойишида**
**Авлодлар тик турар кўз ёшин тўкиб.**

**Йиллар ўтса ҳамки унут бўлмаган**
**Ўтли дард-ситамлар ичга ютилди.**
**Бегуноҳ қурбонлар — аждодлар ҳаққи**
**Шаҳидлар майдони барпо этилди.**

**Норхол ТУРСУНОВА**

*10 май Ғафур Ғулом таваллуд топган кун*

## АЛЛОМА БОҒИ

**Пойтахтимиздаги Муқимий театрининг рўпарасида шундай бир хонадон борки, бу уй соҳиб ва соҳибаларини нафақат тошкентликлар, балки республикамизнинг турли вилоятларидаги кўпгина кишилар билан бирга, чет эл ва қардош халқлар вакиллари ҳам яхши танишади. Бу — сиз-у бизга яхши таниш, ўзбек адабиётининг улкан намояндаси — Ғафур Ғулом хонадонидир.**

Одатда, бировнинг уйига келган киши остонада туриб қўнғироқ—тугмача босиш орқали ташрифидан хабардор қилади. Лекин Ғафур Ғулом хонадони ҳамма вақт очиқ. Бир куни иш вақтим тугаб, уйга қайтаётган эдим, рўпарамдан боласини овутолмай келаётган аёлга кўзим тушди. Бола онасининг у-бу олиб бераман деган гапларига қулоқ ҳам солмас, тинмасдан йиғларди. Шунда аёл музейга (Ғ. Ғулом уй-музейига) яқинлашаётганини у ерда жуда кўп туршак борлигини унга териб беришини ва ҳатто уйдаги (болаларини исмини айтиб) акаларига олиб боришини айтди. Бола йиғидан тўхтаб, туршак тергани кўз олдига келди шекилли, тинчиб қолди. Бу унчалик қизиқ, ичак узди ҳангома эмас, аммо ниманидир ўйлашга, фикрлашга ундайди, инсондан ширин-ширин мевали боғ қолсин, у боғнинг эшиги доим очиқ турсину меваларидан кишилар баҳраманд бўлсин экан. Шеърият боғидан ташқари Ғафур Ғуломдан ана шундай гўзал боғ ҳам қолган.

**Меҳринисо ҲАСАНОВА,**
**Ғафур Ғулом уй-музейи ходимаси**

## ЎША... МУНГЛИ КУНЛАР

Москвадаги касалхонанинг 6-палатасида бетоб ётардим. Бу палатага касалдан тузалаётганларни жойлаштиришар эди. Надя деган 40 ёшлардаги жувон танасининг бир қисми куйган, оғриқ зарби юрагига тушиб азоб берарди.

Воронежлик ёши 60 ларга бориб қолган аёлнинг куйганда ияги бўйнига чандиқ бўлиб ёпишиб битган. Туркманистондан келган Гулянинг панжалари чандиққа айланиб кетган. Туладан келган Галочка деган қизчанинг қўли эса танасига ёпишиб битиб қолган, операция бўлишини кутишарди. Мен туну кун устига чойшаб ёпиб қўйиладиган каркаснинг тагида ётардим, ундан бошим кўриниб туради холос. Куйган жароҳатларимни электр лампочкалар нурида шундай қуритишарди.

Дўхтирлар касалларга яхши қарашар, эрталабдан муолажалар бошланар, ёш болаларнинг ярасини очиб малҳам қўяётганда уларнинг оғриққа додлашларига чидаш қийин эди. Тушликкача рентген, кардиограмма, дорилар қуйишар, уколлар қилишарди.

Касалхонанинг куйганлар бўлимида ишлаш жуда оғир бўлиб, бу ерда ишлайдиганларнинг ранги ўчиб, руҳан чарчаб, тезда бўшаб кетиб қолишарди. Кўпроқ бошқа шаҳарлардан келган ҳамширалар турар жойлари бўлмагани, иқтисодлари ночорлиги боис мажбуран ишлашар эди. Улар кечки ўқув юртларда ўқишарди.

Аям мен билан бирга эрталаб 8 дан кечки 6 гача менга қараб, аламларимизга шерик бўлиб ўлтирар, менинг инжиқликларимга чидаб, чарчасалар-да, билдирмас эдилар. Кечки навбатчилар келгач, аям меҳмонхонага кетар эдилар.

**Давоми 4-бетда.**

*Партия ҳаёти*

## КИМ ҚАНДАЙ ИШ ОЛИБ БОРДИ?

### *ЎзМТДП етакчиларининг апрел ойидаги фаолиятидан энг муҳим лавҳалар*

**ИБРОҲИМ АБДУҒАНИЕВ: — ЎзМТДП раиси ўринбосари, иқтисод фанлари доктори.**

Апрел ойи давомида Иброҳим Абдуғаниев вилоятларда кадрлар ишини кўриб чиқиш борасида иш олиб борди. Шу масала юзасидан Сурхондарё вилоятида бўлиб, Термиз Давлат университетида вилоят партия фаоллари билан учрашди.

Раис ўринбосари Самарқанд вилоятида маънавий ишлар бўйича ҳоким ўринбосари, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи, Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори билан ҳам шу мавзуда суҳбатда бўлди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳрида вилоят олий ўқув юртлари вакиллари, халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман, шаҳар раислари ва фаоллари билан учрашиб ЎзМТДП 2000 йил иш режаларида белгиланган мақсадлар асосида маърузалар қилди.

**МУҚИМЖОН ҚИРҒИЗБОЕВ — ЎзМТДП котиби, сиёсатшунос.**

Апрел ойида юртимизнинг бир неча вилоятлари бўйлаб сафарда бўлди. Вилоятлар ҳокимликларида ўтказилган илмий-амалий семинарларда янги жамият маънавиятини шакллантиришда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришнинг аҳамиятига доир ва диний экстремизмга қарши маърузалар билан қатнашиб, ушбу йўналишларда самарали фаолият олиб боришда ЎзМТДПнинг ғоявий ўрни, маънавий-маърифий интилишлари ҳақида сўзлаб берди.

17 апрел куни Тошкент шаҳри Ҳамза тумани ички ишлар бошқармаси ходимлари билан учрашиб «Миллий тикланиш, миллий мафкура, жамиятнинг ғоявий асослари» мавзуида суҳбатлашди.

21 апрелда ЎзМТДП ва Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги томонидан ТИҚХМИИ маданият саройида ўтказилган сиёсий анжуманда «Миллий тикланиш, ёшлар ва сиёсий ҳаёт» мавзуида маъруза қилди.

24—26 апрел кунлари Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказида ушбу марказнинг шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари билан учрашиб, ўзаро фикр алмашди.

Шунингдек, партия котиби ЎзМТДПнинг 2000 йил иш режаларига асосан талаба-ёшларни партия ҳаёти, мақсади, унинг ғоялари билан таништириш борасида иш олиб бормоқда, маънавий-маърифий суҳбатлар ўтказмоқда.

**РУСТАМ ЖУМАЕВ — ЎзМТДП Марказий кенгаши аъзоси, сиёсатшунос.**

Президент И. Каримовнинг Оқсарой қароргоҳида «Миллий истиқлол мафкураси» мавзусида ўтказган давра суҳбатида иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий педагогика институтида республикамиз олий ўқув юртларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича биринчи проректорлари билан «Маънавият ва миллий истиқлол мафкураси» мавзусида давомли давра суҳбатлари ўтказди.

Қибрай тумани «Нуронийлар чойхонаси»да Олот тумани (Бухоро вилояти)дан ташриф буюрган бир гуруҳ фахрийлар ва пойтахтимизда таълим олаётган олотлик талабалар билан маънавий учрашув ўтказиб, улар билан маънавият, тарбия, таълим масалалари бўйича суҳбатлашди.

Олий Мажлиснинг демократик институтлар ва қадриятлар, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш қўмитасида «Ўзбекистонда демократик институтлар» мавзусида ўтказилган семинарларни ташкил қилишда қатнашди. Шунингдек, Олий Мажлис депутати Рустам Жумаев 29 апрел куни Бухоро вилояти 63—Олот сайлов округида ўз сайловчилари билан анъанавий учрашув ўтказди.

**Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси раиси И. Ғафуров 5 май куни Словакия республикасининг Ўзбекистондаги муваққат ишлар вакили вазифасини бажарувчи жаноб Петер Спишиак билан унинг илтимосига кўра учрашди. Суҳбатда партия раиси бугун Ўзбекистонда бораётган кўламли сиёсий, иқтисодий, маънавий ислоҳотлар, эркинлаштириш жараёнлари, кўппартиявийликнинг амалиёти ҳақида сўзлаб берди.**

*18 май — музейлар куни*

## КЕЛАЖАК ХАЗИНАСИ

Самарқанддаги Акмал Икромов номидаги Ўзбекистон маданияти ва санъати тарихи республика музейини кўпчилик яхши билади. У ўрта Осиёдаги энг кўҳна ва йирик маданий-маърифий ўчоқлардан биридир.

...1874 йили ташкил топган ушбу музей ўз фаолиятини эндигина жонлантираётган бир даврда Туркистон генерал-губернатори М. Черняев фармойиши билан ёпиб қўйилган, орадан 22 йил ўтгач, 1896 йилнинг 21 июлида қайта очилган эди. Дастлабки вақтларда музей Георгиевский черкови қошидаги хоналардан бирида жойлашган бўлиб, «Самарқанд статистика комитетининг музейи» деб ном олган эди. Кейинчалик ўлкашунос олим В. Л. Вяткин музей учун махсус бино қурдиришга муваффақ бўлди.

Асримизнинг 20-30-йилларида бу маданий-маърифий даргоҳ, Самарқанд округ музейидан Республика Марказий Давлат музейига айлантирилди. Музей ташкил топган дастлабки йилларда атиги иккита зал мавжуд бўлиб, ҳозирда унинг шинам ва ёруғ заллари бир нечтага кўпайди ва кенгайди. Кўргазмали ашёлар орасида қадимги даврдан тортиб, то ҳозирги кунларимизгача ҳикоя қилувчи 180 мингдан ортиқроқ турли хил ашёлар, шу жумладан, қадимшунослик, ҳайвонот ва ўсимликлар олами, элшунослик, тангашуносликка оид минглаб ноёб материаллар бўлиб, улар музей залларида даврларга кўра таснифланган. Музей фондидаги фототекада 200 мингдан кўпроқ негатив-маълумотномалар мавжуд. Шунингдек, илмий кутубхонада турли даврларда ёзилган 20 мингдан ортиқ қўлёзма ва тошбосма китоблар бор.

Музейда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Темур ва темурийлар сулоласи даври маданиятига доир махсус экспозиция ташкил этилиб, унда асосан, XIV-XV асрларга доир осори атиқалар, шунингдек, Амир Темур шажараси, унинг ҳарбий юришлари ҳақидаги харита, темурийзодалар тўғрисида маълумотлар, Темурнинг тобути каби ноёб экспонатлар намойиш этилди.

– Музей жаҳон музейлар кенгаши аъзоси, хорижий давлатлар билан алоқалар йил сайин ривожлантирилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда музей бош директори Нўъмонжон Маҳмудов. – 1992 – 1993 йилларда Париж, Тулуза, Канн, 1998 йилда Лион шаҳарларида музейимиз экспонатлари намойиш этилди. Парижда Амир Темурнинг 660 йиллиги муносабати билан ўтказилган кўргазмада ҳам музейимиз фаол иштирок этди. Нафақат Францияда, балки бошқа мамлакатларда ҳам тарихимизга қизиқиш ортиб бормоқда. Германиянинг Штутгарт шаҳридаги машҳур Линден музейида намойиш қилинган экспонатларимиз немис халқида катта таассурот қолдирди. Ҳозирги пайтда немис халқшунос олимаси Габриэла хоним билан вилоятимиз бўйича этнографик экспедиция ташкил қилганмиз. Келгусида Покистон, Туркия, Эрон, Корея, Хитой давлатлари билан ҳам шундай маданий ҳамкорлик ишлари режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ўз самарасини бермоқда. «Ўзбекмузей» жамғармасининг ташкил этилиши эса музейлар, жумладан, Самарқанд музейи фаолиятини жонлантириш йўлида муҳим қадам бўлди. Узоқ тарихга, бой маданий меросга эга бўлган халқимизнинг мозий анжомларини, битикларини ҳар жиҳатдан асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказишга масъул бундай даргоҳларни том маънодаги маънавият маркази деб аташ мумкин.

**Гулсара ОСТОНОВА,**
**тарих фанлари номзоди,**
**Рашид БОЙТИЛЛАЕВ,**
**санъатшунос**

## УСТОЗНИ ЁД ЭТИБ

Яқинда адабиётшунос олим, етук таржимон Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг она юрти Хатирчи туманида унинг хотирасига бағишланган катта илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда адабиётшунос олимлар Нажмиддин Комилов, Сайди Умиров, Адҳам Эргашев, Эшмуҳаммад Қодиров, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф, шоирларимиз Сафар Барноев, Саъдулла Аҳмад ва Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг фарзандлари ҳамда бошқа кишилар қатнашдилар. Анжуманни туман ҳокими Эркин Турдиев олиб борди. Унда сўзга чиққан олимлар, адиблар ва шоирлар устознинг адабий мероси ва илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси, шогирдларига, туғилиб ўсган юртига меҳри ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Тумандаги 78-мактаб директори Ж. Юсуповнинг устоз хотирасини абадийлаштириш учун туман марказидаги зиё масканларидан бирига унинг номини бериш ҳақидаги таклифини йиғилганлар хайрихоҳлик билан маъқулладилар.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг биринчи муовини Азамат Ҳайдаров, вилоят «Маърифат ва маънавият» жамоатчилик маркази раҳбари Саъдулла Иноятовлар иштирок этдилар.

**Гулноз САТТОРОВА**

## ВИРУСЛАР ВА ТАРИХ

Археологияга оид маълумотлар, маданият тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг изланишлари натижасида, шундай бир илмий фараз илгари сурилмоқда. Унга кўра, Шимолий Американинг ерли халқлари (аборигенлар) Осиёдан Беринг кўрфази орқали ўтиб келганлар. Бу кўчиш 30 минг йил илгари бўлиб ўтган. Яқинда ҳозирги Америка ҳиндулари бир замонлар кимсасиз қитъага кўчиб келган осиёликларнинг авлодлари эканлигига яна бир бор далолат туғилди. Фараз исботини топди. Буни қарангки, муаммоларнинг ечилишига вирусологлар ҳисса қўшдилар.

Маълумки, инсон буйракларида ҳамиша вируслар яшайди, улар бамисоли ошқозондаги овқат ҳазм қилишга кўмаклашадиган бактерияларга ўхшашади. Олимлар Шимолий Америкада яшовчи наваҳо деб аталган ҳинди қабиласига мансуб кишиларда учрайдиган вирусларни текшириб кўришган эди. Чунончи, JC – вируси ўрганилганда, айнан худди шу вирус Токио ҳамда Тинч океан оролларида яшовчи кишиларда учраши маълум бўлди. Европа ва Америкада яшовчи одамлардаги JC – вируси Америка ва Осиё кишиларида учровчи буйрак вирусидан анча-мунча фарқ қилар экан.

Шундай қилиб, эндиликда олимлар вирусларни текшириш орқали қадим замонларда рўй берган халқларнинг кўчишларини аниқлашлари мумкин бўлади.

## ХУФЯЛАР ИЗҒИГАН ЗАМОН

### *Дебоча*

Муҳиддин Қори Ёқубов 1896 йили Фарғонада туғилган. Унинг отаси Муҳаммад Ёқуб Салимов Орифжонбойга тегишли Янгичек масжидининг имоми бўлиб, айни пайтда шу масжид қошидаги мактабда дарс берган.

Қори Ёқубов зикр этилган масжид ҳузуридаги эски мактабда таҳсил кўриб, «қори» деган унвонга мушарраф бўлади. 1910 йилдан 1917 йилга қадар Орифжонбой масжидидаги диний маросимларнинг ўтказилишида қори сифатида қатнашиб, диндор омма ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонади.

Дарвоқе, у диний билимлари ва ёқимли овозини намойиш этиш билангина кифояланиб қолмади. 1914 йилдан 1917 йил Феврал инқилобигача бўлган даврда Орифжонбой, Ражаббой сингари фарғоналик бойлар қўлида приказчилик ҳам қилди. Феврал инқилобидан кейин секин-аста сиёсий фаолият билан қизиқиб, «Шўрои ислом» ташкилоти Фарғона бўлимининг Ҳоди Файзий, Дадамуҳамедов, Булатов, Абдулмажид Маҳмудов, Миродилжон Мурзинов, ака-ука Иноғомовлар, Аминжон Зиёвиддинов, Мирмаҳмуд Мираҳмедов, Шомансур Алихўжаев сингари аъзолари билан ҳамкорлик қила бошлади.

**Давоми 3-бетда.**

## МИЛЛИЙ ҒОЯ РЕЖАЛАРИ

Ўзбекистон Фалсафа Жамиятининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда файласуф олимларнинг миллий ғоя соҳасида олиб бораётган ишларини умумлаштириб , яхлит амалий тавсиялар ишлаб чиқиш лозимлиги таъкидланди. Муҳокамаларда сўзга чиққан мазкур жамият раиси, ЎзРФА мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Саид Шермуҳамедов, фалсафа фанлари докторлари, профессорлар Йномжон Раҳимов, Акбар Утамуродов, Исмоил Соифназаров, Манзура Холматова, Қўчқор Хоназаров ва бошқалар миллий ғоя концепциясини яратишда муҳим аҳамиятга молик бўлган аниқ таклифларни тавсия этдилар.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Фалсафа Жамиятининг миллий ғоя ва миллий мафкура масалалари бўйича амалий чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

**Ҳафиза НАСРУЛЛАЕВА**

